



## Етказиб берувчи ташкилотни танлаб олиш учун **ТАНЛАШ ХУЖЖАТЛАРИ**

**Танлаш хужжатларининг мазмуни:**

- I. Танлаш иштирокчилари учун йўриқнома**
- II. Техник қисм**
- III. Нархлар қисми**

### **ТАНЛАШ ИШТИРОКЧИСИ УЧУН ЙЎРИҚНОМА**

#### **1. ТАНЛАШ ПРЕДМЕТИ ВА ТАХМИНИЙ ҚИЙМАТИ**

##### **1. Танлаш предмети: Бағдод тумани Тиббиёт бирлашмасига Воздуходувка сотиб олиш.**

1.2. Танлаш қиймати: Бағдод тумани Тиббиёт бирлашмасига Воздуходувка (Электропитание 3.5 KW, Объем воздуха 3500, Скорость 480~1450 г/m) 6 500 000 сўмдан 3 дона сотиб олиш қиймати 19 500 000 (Ўн тўқиз миллион беш юз минг) сўмни ташкил этади. Кўрсатиб ўтилган маҳсулотларнинг сифати ва яроқлилик муддатлари комиссия аъзолари томонидан қабул қилиб олинади. Етказиб берилган маҳсулотларнинг ўрнатилиши голиб иштирокчи томонидан амалга оширилади. Ушбу қийматдан ортиқ қийматдаги таклифлар қабул қилинмайди ва кўриб чиқилмайди.

1.3. Ишларни бажариш муддати:

Шартнома имзолангандан сўнг 10 куни ичидаги буюртмачи томонидан тўлиқ қабул қилиб олинади.

1.4 Етказиб бериш муддати – шартнома Ғазначилик бўлимида рўйхатдан ўтказилгандан сўнг томонларнинг келишувига асосан 3 кун муддат ичидаги бошланади. (бунда: об-ҳаво ёки шунга ўхшаш ҳолатлар ўрганилади).

#### **2. ТАНЛАШ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ**

2.1. Бағдод тумани Тиббиёт бирлашмаси (бундан кейин – “Буюртмачи” деб аталади) – танлаш ташкилотчиси ҳисобланади.

“Буюртмачи” манзили: Бағдод шаҳарчаси Бирдамлик кўчаси 12-й.

2.2. Танлаш “Буюртмачи” томонидан танлаш ўтказиш бўйича тузилган Харид комиссияси томонидан ўтказилади.

2.3. Танлаш Бағдод тумани Тиббиёт бирлашмасига – “Буюртмачи” томонидан тузилган харид комиссияси томонидан қонунда белгиланган тартибда, белгиланган муддатларда ўтказилади.

### **3. ТАНЛАШ ИШТИРОКЧИЛАРИ**

3.1. Танлашда мулкчилик шаклидан қатъий назар шу мазмунда иш ва хизматлар кўрсатишга ихтиослашган, тажрибага эга бўлган барча юридик мақомга эга бўлган ташкилотлар ҳамда жисмоний шахс (якка тартибдаги тадбиркорлар)лар иштирок этиши мумкин.

3.2. Танлашда иштирок этиши учун талабгорларга қуйидаги малакавий талаблар қўйилади:

танлаш предмети қийматининг камидаги 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларининг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномаси, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги;

шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатлар;

ўз кучлари билан илгари бажарилган иш ҳажмлари тўғрисидаги маълумотлар;

Низом маблағи миқдори.

3.3. Агар танлаш предмети бўлган ишлар (хизматлар)ни бажариш билан боғлик фаолият қонунчиликка биноан лицензиялаштириши зарур бўлса, танлашда иштирок этиши учун белгиланган тартибга мувофиқ тегишли лицензияга эга бўлган талабгорларга рухсат этилади.

3.4. Қўйидаги талабгорларга танлаш жараёнларида иштирок этишга рухсат берилмайди:

қайта ташкил этилиш (ажратилиши, қўшилиш), тугатиш ёки банкротлик арафасида тургандар; мол-мулки мусодара қилинганлар, ҳамда муассислик келишув, молиявий иштирок, холдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-хуқукий ёки бир бирига молиявий қарамлиги мавжудлар.

### **4. ТАНЛАШДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ**

4.1. Иштирокчилар ўз таклифларини электрон кўринишда ([etender.uzex.uz](http://etender.uzex.uz)) порталига электрон танлашлар ўтказиш учун жойлаштириши лозим.

4.2. Танлаш учун таклифлар ва унга тегишли иловалар ва хужжатлар, маълумотлар “Буюртмачи” ва “Иштирокчи” ихтиёрига кўра ўзбек ёки рус тилида тақдим этилиши мумкин.

4.3. танлаш хужжатларида қуйидагилар тақдим этилиши лозим:

• Техник қисм, “Буюртмачи” томонидан қўйилган техник талабларни ва бажариладиган иш ва хизматлар кўрсатилиши керак;

• Нархлар қисми, танлаш шартларида белгиланган нархлар доирасида, хизматларни бажариш муддатлари, тўловлар тартиби ва якуний тўловлар ва бошқа боғлик кўрсаткичлар кўрсатилган бўлиши керак.

4.4. Қўйидаги хужжатлар тўлиқ бўлиши талаб этилади:

Техник ва нархлар бўйича қуйидаги таклифлар:

• Техник хужжатлар руйхати (брошюралар, техник паспорлар ёки ўхшаш хужжатлар рўйхати илова қилинади);

• Танлаш иштирокчилари томонидан коррупция кўринишларига йўл қўймаслик бўйича ариза тақдим этиш;

4.5. Танлаш иштирокчиси:

-фақат битта таклиф бериши мумкин;

- тақдим этилаётган хужжатларнинг ҳақиқийлиги ва маълумотларнинг ҳаққонийлигига тўлиқ жавобгар бўлади;

- таклифлар бериш муддати тугагунга қадар ўз таклифларини қайтариб олиш ёки ўзгартириш киритиш хуқуқига эга.

### **5. ТАКЛИФЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ МУДДАТИНИ УЗАЙТИРИШ**

5.1. Таклифлар муддатини узайтирилиши фақат харид комиссияси йиғилиши қарори асосида амалга оширилади.

5.2. Танлаш муддатини узайтириш тўғрисидаги қарор маҳсус ахборот порталида жойлаштирилиши лозим.

## **6. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ**

6.1. Давлат харидлари тўғрисидаги Қонун талабларини бузган шахслар қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгар бўладилар

6.2. Харид комиссияси давлат харидлари бўйича қонунчиликда белгиланган тартибда ғолиб иштирокчиларни аниқлаш ва асосланган қарор қабул қилиш бўйича мажбурдир.

6.3. Танлаш иштирокчиси тақдим этилган барча хужжатларни хақиқийлиги ва тўғрилига жавобгардир. Ғолиб иштирокчи деб топилгандан сўнг қонунчиликда белгиланган тартибда давлат буюртмачиси билан ўрнатилган тартибда ва муддатларда шартнома тузишга мажбурдир.

## **7. БОШҚА ШАРТЛАР**

7.1. Давлат буюртмачиси танлаш хужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида танлашда иштирок этиш учун таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида уч кун олдин қарор қабул қилишга ҳақли. Товарни (ишни, хизматни) ўзгартиришга йўл қўйилмайди. Бунда ушбу танлашда таклифлар бериш тугайдиган муддат танлаш хужжатларига ўзгартишлар киритилган санадан эътиборан камида ўн кунга узайтирилиши керак. Шу билан бир вақтда, agar эълонда кўрсатилган ахборот ўзгартирилган бўлса, танлаш ўтказиш тўғрисидаги эълонга ўзгартишлар киритилади.

7.2. Танлаш иштирокчиси танлаш хужжатлари қоидаларини танлаш ўтказиш учун эълонда белгиланган шаклда тушунтириш талаби билан давлат буюртмачисига сўров юборишга ҳақли. Сўров келиб тушган санадан эътиборан икки иш куни ичида давлат буюртмачиси, agar мазкур сўров давлат буюртмачисига таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида икки кун олдин келиб тушган бўлса, ушбу сўровга белгиланган шаклда жавоб юбориши шарт. Танлаш хужжатларининг қоидаларига доир тушунтиришлар уларнинг мазмун-моҳиятини ўзgartирмаслиги керак.

7.3. Таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси харид комиссиясининг барча аъзолари томонидан имзоланади ҳамда ундан олинган кўчирма у имзоланган кундан эътиборан уч иш куни ичида маҳсус ахборот порталида эълон қилинади.

7.4. Танлашнинг исталган иштирокчиси таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси эълон қилинганидан сўнг давлат буюртмачисига танлаш натижаларига доир тушунтиришларни тақдим этиш тўғрисида сўров юборишга ҳақли. Давлат буюртмачиси бундай сўров келиб тушган санадан эътиборан уч иш куни ичида танлаш иштирокчисига тегишли тушунтиришларни тақдим этиши шарт.

7.5 Танлаш натижалари бўйича шартнома танлаш хужжатларида ва ўзи билан шартнома тузилаётган танлаш иштирокчиси томонидан берилган таклифда кўрсатилган шартлар асосида тузилади.